

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Байтанов Ўралбой Мирақул ўғли,
Солиқ академиясининг 2 курс магистранти,
E-mail: uralboybaytanov1992@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада солиқ тизimini такомиллаштириш орқали оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга эришиш масалалари юзасидан иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари, уни ҳисоблашда ўсиб боровчи (прогрессив) ставкаларнинг қўлланилиш хусусиятлари, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши натижасида иқтисодий ўсишга эришиш, унинг давлат бюджетидagi салмоғи каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Аннотация: В этой статье рассматриваются такие вопросы, как идеи и оценки ученых-экономистов по вопросам дальнейшего развития семейного бизнеса и экономического роста посредством совершенствования налоговой системы, использования прогрессивных ставок при ее исчислении, достижения экономического роста за счет снижения ставок налогов, его доли в государственном бюджете.

Abstract: In this article such questions as the ideas and estimates of scientists-economists concerning further development of family business and economic growth by means of enhancement of the taxation system, use of progressive rates in case of its calculation, achievements of economic growth due to decrease in rates of taxes, its shares in the government budget are considered.

Калим сўзлар: солиқ, оилавий тадбиркорлик, даромад, солиқ ставка, давлат бюджети, жамғарма, инвестиция, иқтисодий ўсиш.

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, бюджет солиқ сийёсатини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни солиқлар орқали рағбатлантириш ҳамда уларга барча қулай шарт-шароитларни яратиш устувор мақсад ва вазифа бўлиб келмоқда. Чунки иқтисодиётда айнан оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодиётдаги бандлик даражасини нисбатан қисқартириш, молиявий ресурсларни чекланган шароитда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, жамоатчилик асосида инновацион ғояларни ва технологияларни қўллаш имкониятларининг мавжудлиги билан ифодаланади.

Бизга маълумки, иқтисодиётни модернизация қилиш ва халқимиз ҳаёт сифатини ошириш бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, улардан бири солиқ тизимидир. Айни кунга келиб, солиқ тизимида маълум ўзгаришлар рўй бериб, у жаҳоннинг илғор давлатлари тажрибасидан фойдаланилган ҳолда ривожланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

«Солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча,

уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим» [2].

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «иқтисодий ўсиш, кўп жихатдан, иқтисодийда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ»[3].

Дарҳақиқат, микрофирма ва кичик корхона ва оилавий тадбиркорликларнинг солиқ юки даражасини қонуний равишда камайтириш, кичик корхона ва оилавий тадбиркорларга солиқ бўйича имтиёз ва преференциялар бериш, уларнинг солиқ муносабатларини оптималлаштириш ҳамда уни амалда ушлаб туришдан оилавий тадбиркорлик субъектлари манфаатдор бўлишлари учун хизмат қилиши лозим. Чунки, оилавий тадбиркорлик субъектлари учун оптимал солиқ юки уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини рағбатлантирса, давлат бюджети учун доимий даромад тушумини таъминлайди.

Ҳозирги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, оилавий тадбиркорликлар учун жорий этилган, содалаштирилган солиқ тизими муҳим шаклларида бири бўлган ягона солиқ тўлови, унинг ундирилиши, ягона солиқ тўлови бўйича базавий миқдорларини қўлланилишини такомиллаштириш долзарб вазифаларидан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Солиқлар тизимини такомиллаштириш орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда иқтисодий ўсишга эришиш бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий қарашида фикрларини баён этганлар.

Хорижий иқтисодчиларнинг (Ж.М.Кейнс, Д.Локк, В.Петти ва бошқалар) илмий ишларида келтирилишича кичик бизнес ва тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, яъни уй хўжалиги тадбиркорлиги ҳамда прогрессив солиқ солиш энг баланд даражада ижтимоий адолатга эришиш ва даромадлар ўртасида фарқнинг камайиши ҳақида хулосалар келтирилган.

Аммо шу билан бирга, бошқа олимлар, жумладан Р.Масгрейв, П.Масгрейв, И.В.Горский, В.Г.Пансков ва бошқалар таъриф беришича фақат прогрессив шкалани жорий этиш муаммонинг ечимини топишда ягона мазмунга эга бўлган ҳаракат бўла олмайди. Тадбиркорларнинг даромадига солиқ солишнинг қайта тақсимлаш салоҳиятидан фаол фойдаланувчи давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, адолат принципларини қарор топтириш учун солиқнинг прогрессив ставкасини солиқ чегирмаларидан кенг тарзда фойдаланган ҳолда ишлатиш энг афзал йўлдир (Д.Г.Черник, 2016).

Ўзбекистон иқтисодчи олимлари А.В.Вахобов ва Т.С.Маликовларнинг фикрига кўра, жаҳон амалиётида ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган шахслар учун солиқ имтиёзлари ва юқори даромад олувчи шахслар учун прогрессив ставкалар белгилаш ҳам қўлланади, яъни аҳолининг кам даромад оладиган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида даромадларни бир қисми қайта тақсимланиши эътироф этилган (Вахобов ва Маликов, 2012).

Иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратадиган бўлсак, хорижлик олимлар томонидан мавзу доирасида кўплаб илмий

изланишлар олиб борилган. Бироқ, ўзбек иқтисодчи олимларининг илмий изланишларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иқтисодий ўсишга эришиш масалалари кам ўрганилган.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг солиқ тизимини такомиллаштириш орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда иқтисодий ўсишга эришиш масалаларига бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик субъектларини даромади, инвестиция ҳамда жамғариш ва бошқа самарадорликни оширувчи кўрсаткичлар келтирилган. Мақолада улар фаолиятини тизимли ҳамда қиёсий таҳлил қилиш, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар


Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига катта эътибор қаратилди. Жумладан, 2000-2016 йиллар давомида рўйхатдан ўтган оилавий тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 1,7 баробардан ошди. 2016 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 3,5 та оилавий тадбиркорлик субъектлари тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Россияда - 2,1 тани, Германияда - 1,8 тани, Францияда - 2,3 тани ҳамда Қозоғистонда – 1,2 тани ташкил этди [6, 7].

2000 йил иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида оилавий тадбиркорлик ҳисобига 12 мингта иш ўринлари яратилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич қарийб 95 мингдан ортиқни ташкил этди. Шунингдек, иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичи бўлган ЯИМдаги оилавий тадбиркорликни улуши 2000 йилда 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 11,5 фоизни ташкил этди [8].

Бугунги кунда иш билан банд аҳолининг қарийб 9,5 фоизи оилавий тадбиркорликда фаолият кўрсатмоқда. Мазкур соҳани ривожлантиришда касаначилик, яъни балиқчилик, паррандачилик, тикувчилик, боғдорчилик ва бошқалар.

Юқорида келтирилган иқтисодий ўсишнинг миқдорий кўрсаткичларига эришишда оилавий тадбиркорлик субъектларига нисбатан имтиёзлар солиққа тортиш тизимларида фаолият юритиш имкониятларининг яратилганлиги ҳам муҳим таъсир этувчи омиллардан бири бўлади. Жумладан, мазкур йилларда оилавий тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ қонунчилиги соддалаштирилиб, солиқ юки даражаси босқичма-босқич камайтириб борилмоқда, солиқ тўловчиларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйилди ҳамда улар фаолиятини солиққа тортиш тизимлар такомиллаштирилди.

Бугунги кунда солиқ тизимимиз яхшиланмоқда, солиқдан имтиёзлар берилмоқда, солиқ ставкалари пасайтирилмоқда ва бунинг пировард натижаси сифатида хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ оғирлиги камаймоқда. Бунда фойда солиғи ставкасининг камайтирилиши ҳисобига корхона фойда солиғи суммасининг жами солиқлардаги улуши йиллар кетма кетлиги ҳисобига сезиларли даражада камайган.



1-Расм. Солиқ юки даражасининг камайиши ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида [5, 9]

1-расмда мустақиллик йилларида солиқ юки даражасининг йиллар давомида пасайиш даражаси акс эттирилган. Жумладан, 1995 йилда солиқ юки даражаси 29,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда солиқ юки даражаси 22,6 фоизга камайганда, ЯИМнинг ўсиш суръати 7 фоизни, 2010 йилда эса солиқ юки 21,9 фоизга тенг бўлганда эса ЯИМнинг ўсиш ҳажми 8,5 фоизга тенг бўлган. Шунингдек, 2017 йилда 18,9 фоизга камайиши ҳисобига, ЯИМ 7,8 фоизга ўсиши истиқболлаштирилган. Таъкидлаш жоизки, солиқлар иқтисодиётда фискал функцияни бажариши билан бирга, иқтисодиётни тартибга солиб, иқтисодий ўсишни рағбатлантирган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Иқтисодиётда оптимал солиқ юки даражасини амалда ушлаб туриш орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, уй хўжалиги ва ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга, бу орқали эса мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш. Солиқ юки хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тескари мутаносибликда [4] таъсир кўрсатиб ошиши уларнинг иқтисодий фаоллигига салбий таъсир этади. Бунда солиқ юкини ташкил этувчи солиқларнинг таркиби ҳам муҳим роль ўйнаб, тўғри солиқлар таъсири нисбатан сезиларли бўлиши ҳамда иқтисодиётда солиқ юки даражасининг юқори бўлиши иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиб, солиқ боқимандаларининг ошишига, хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.

Демак, иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат учун энг оптимал стратегия солиқ юкини камайтириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини берувчи солиққа тортиш тамойилларига амал қилиш ҳисобланади.



2-расм. 2016 йилда давлат бюджети даромадлари таркиби (умум. нисбатан % да)

2-расм маълумотларида Ўзбекистонда солиқ юки ҳамда давлат бюджети даромадлари таркиби бўйича: 2016 йилда билвосита солиқлар 59 фоизни, бевосита солиқлар 27 фоизни ҳамда ресурс тўловлари ва мулк солиғи 14 фоизни ташкил этган. Шунингдек, ушбу солиқларни шакллантирилишида оилавий тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланувчи субъектларни улуши мавжуд. Бу кўрсаткич 2016 йилда давлат бюджети даромадларини 7,3 фоизи оилавий тадбиркорлик фаолиятига тўғри келади [7].

Охириги 10 йил давомида солиқ юкининг таркибий тузилишида бевосита тўғри солиқлар улуши камайиши кузатилган. Бунинг асосий сабаби давлат айнан тўғри солиқлар ставкаларини пасайтириш тарзидаги имтиёزلарни бериш орқали иқтисодиётда ишлаб чиқариш, саноатни ЯИМдаги улушини ҳамда кичик бизнес субъектлари ҳиссасини кўпайтиришга эришилган. Жумладан, 2000 йил ЯИМда солиқ юки таркибида бевосита солиқлар 7,8 фоизни ташкил этди. Бунинг натижасида эса иқтисодий ўсишни таъминловчи ҳолатлардан бири бўлган ЯИМ таркибидаги саноат ва кичик корхона ҳамда оилавий корхоналар улушининг ўсишига эришилган. 2000 йилда саноат -14,2 фоизни, кичик корхоналар – 11,2 фоизни ҳамда оилавий корхоналар -1,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткичлар ўз навбатида 33,5 фоиз, 23,3 фоиз, 7,3 фоизга етди [1].

Шунингдек, 2000 йилда ЯИМда солиқлар салмоғи 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 4,5 фоизни ташкил этди. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат мазкур йилларда солиқ ставкаларини кескин пасайтириш сиёсатини амалга оширди. Бу орқали эса ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга, иқтисодиётда кичик бизнес субъектлари сонини кўпайтиришга ҳамда инвестиция ва инновацияни кўпайтиришга эришилди.

Солиқ турлари ва ҳисоблаш механизмлари мазкур йиллар давомида такомиллаштирилди ва солиқ базаси кенгайди.

Хусусан, 1998 йилда солиқ турларини сони 24 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб ушбу кўрсаткични 15 тагача мақбуллаштирилишига ҳамда 2016 йилда эса бу кўрсаткичлар 12 тагача соддалаштирилди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга айнан давлат солиқ тизимини такомиллаштириш орқали эришиш масаласи муҳим ҳисобланади. Фикримизча Ўзбекистонда куйидаги чора-тадбирлар ижобий натижа беради:

1. Солиқ юки даражасини асосли равишда камайтириб бориш, бевосита ва билвосита солиққа тортиш нисбатининг оптимал даражасини аниқлайди. Аммо ЯИМни солиқлар воситасида қайта тақсимлаш ва бюджетга жамғариш даражасининг камайтирилиши иқтисодиётда ишсизлик даражасини камайишга олаб келади. Аммо мутаносиб равишда давлат харажатларининг қисқартирилиши янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва охир-оқибат иқтисодий ўсишни таъминлашга олиб келади.

2. Иқтисодиётда солиққа тортиш механизмнинг ишлаш самарадорлигини баҳолашда ЯИМ таркибида солиқ ва давлат бюджети харажатларида, яъни ижтимоий харажатлар улуши кўрсаткичларини ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш.

3. Иқтисодиётда жамғаришни чекловчи асосий тўсиқларидан бири юқори солиқ ставкалари ҳисобланади. Чунки тадбиркорлар даромадининг сезиларли қисми солиқлар орқали давлат томонидан ундирилиши тадбиркорлик ташаббусига тўсқинлик қилиб, ишлаб чиқариш жараёнига инвестицияларни жалб этишни секинлаштиради.

Демак, давлат хусусий секторга инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш ҳамда жамғармаларни кенгайтиришда солиқ дастагидан унумли фойдаланиши ҳамда келгусида иқтисодий ўсишни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Солиқ ставкаларини пасайтирилиши иқтисодиётда умумий таклифга ижобий таъсир этиб, аҳоли ва тадбиркорлар даромадининг кўпайишига, капитал тўпланишига эришилади. Аксинча солиқ ставкаларини белгиланган даражадан ортиб кетиши иқтисодиётда ишсизлик даражасини кўпайишига, жамғармаларни иқтисодиётдан четланишига ҳамда хуфёна иқтисодиётни ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. 210-б.

3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -48-б.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 2 февралда “Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низоми.

5. Ваҳабов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик.–Т.:“Ношир”, 2012. 284-б.

6. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике.–М.: Финансы, 2016. с.76.

7. Doing Business in Uzbekistan. In 2016. IFC. www.ifc.org., Doing Business 2017 Uzbekistan.

8. The Statistical review of the Republic Uzbekistan for 2016 god. - Tashkent, 2017. -P. 40.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1995-2016 йиллардаги ҳамда 2017 йилдаги бюджет параметри маълумотлари.